
АСИЛБЕК “МАШИНА” ЛИ БЎЛДИ

Бободехқонлар ерга уруғ қадашдан олдин Яратгандан ҳирмонларга барака тилаб, қўш оши ўтказиб келишади. Истиқлол ММТП ҳудудидаги фермер хўжаликлари эгалари қишлоқ улуғларини, бободехқонларини чорлаб, Ғойиб эрон буво зиёратгоҳида анъанавий қўш оши ўтказдилар. Ёши улуғ отахонларимиз қуёшли кунларга етказганига шукр қилишиб, фермерларнинг деҳқончиликларига барака, ўзларига омад тилашди. Эҳсон ошининг кульминацияси I гуруҳ ногирони Асилбек Абдурахмоновга фермерлар совғаси – ўзи юрар аравача –скутерни топшириши бўлди. 3-сектор раҳбари Х.Тошпўлатов аввало ҳайр-эҳсонлари учун фермерларга раҳмат айтиб, Асилбекка “машина” сени яхши кунларга миниб юришини тилади.

ЎЗЎВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-03-29 17:41:20